БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 3 октябрь Чоршанба
№ 188 (13.624).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

1 октябрь куни Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг биринчи мажлиси бўлди.

Унда Кенгаш олдида турган вазифалар, унинг амалий фаолияти масалалари, жумҳуриятдаги иқтисодий-сиёсий вазият ва бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари муҳокама қилинди.

И. А. Каримов Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти лавозимини эгаллаб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг, Ўзбекистон ССР Конституциясига қатъий амал қилинишнинг кафили бўлишдек улкан масъулиятни ўз зиммасига олганлигини таъкидлади.

Шу вақтгача қилинган ва ҳозир амалга оширилаётган барча ишлар, деди Президент, асосий мақсадга — жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришишга, жумҳурият халқларн турмушини яхшилашга қаратилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ана шу мақсадга эришиш йўлларидан биридир. Жумҳуриятда бозорга ўтишнинг ўз дастури мавжуд. Жумҳурият ҳукумати ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда, бу дастур муҳокама қилиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўладиган сессиясига тақдим этилади.

Жумҳуриятда демократия ва сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги кучайиб бормоқда. Фуқаролар аҳиллиги йўлини ишлаб чиқиш, барча кучларни бирлаштириш ана шу демократия ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг мақсади бўлиши керак. Фақат шундагина биз ҳозир бошимиздан кечираётган таҳликали мураккаб пайти тақозо этган энг муҳим вазифаларни ҳал қила оламиз. Шу муносабат билан Президент Ўзбекистон халқларининг манфаатини, уларнинг осойишта ва фаровонлигини қадрлайдиган барча кишиларни амалий ҳамкорлик қилишга чақирди.

Жумҳуриятда юз бераётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, энг мақбул ечимларни танлашда Президентга билимдонлик билан ёрдам бериш Президент Кенгашининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг барча аъзолари сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ КЕНГАШИНИНГ ТАРКИБИ ТЎҒРИСИДА

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНСИН:

Ўрток Владимир Тўйчиевич **Одилов**, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлар бригадасининг бошлиғи;

Ўрток Сарвар Олимжонович **Азимов**, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри;

Ўрток Тимур Арслонович **Валиев**, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Кибернетика институтининг бош илмий ходими;

Ўрток Вячеслав Мухторович **Камолов**, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри;

Ўрток Тулепберген **Қаипбергенов**, Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси;

Ўрток Шукурулла Раҳматович **Мирсаидов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси;

Ўрток Акмал Холматович **Саидов**, Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси;

Ўрток Эркин **Самандаров**, Хоразм вилоят партия комитетининг котиби, шоир, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси;

Ўрток Виталий Николаевич **Сигедин**, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори;

Ўрток Бахтиёр Султонович **Ҳамидов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг раиси;

Ўрток Ҳалима Умматқуловна **Худойбердиева**, «Саодат» журналининг бош муҳаррири;

Ўрток Баҳромжон Маҳмудович **Эргашев**, Фарғона вилояти Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз раиси;

Ўрток Шукрулло **Юсупов**, Ўзбекистон ССР халқ шоири, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси;

Ўрток Эркин Юсупович **Юсупов**, В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунининг ректори.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1990 йил 1 октябрь.

Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг аъзолари

Владимир Тўйчиевич ОДИЛОВ



1948 йилда туғилган, ўзбек, 1972 йилдан КПСС аъзоси, тугалланмаган олий маълумотли, Тошкент авиация техникумини битирган, Тошкент политехника институтида таҳсил олмоқда.

Меҳнат фаолиятини 1964 йилда В. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бошлаб, токарнинг шогирди, 5-разрядли токарь, мастер, механика цехининг токари бўлиб ишлаган. 1989 йилдан буён СССР Олий Советининг аъзоси, Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар, мухтор вилоятлар ва округларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти масалалари комиссиясининг аъзоси.

1982-1986 йилларда Касаба уюшмалари Бутуниттифоқ марказий кенгаши — ВЦСПС аъзоси, 1986-1990 йилларда КПСС XXVII съездида КПСС Марказий Тафтиш комиссияси аъзолигига сайланган.

СССР халқ депутати. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси.

II ва III даража Меҳнат Шуҳрати орденлари, СССР медаллари билан мукофотланган.

ВЛКСМ XVII съездига, СССР касаба уюшмаларининг XVII съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига ва КПСС XXVII съездига делегат қилиб сайланган.

Тимур Арслонович ВАЛИЕВ



1924 йилда туғилган, ўзбек, 1955 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Ф. Э. Дзержинский номли Олий ҳарбий-денгиз инженерлари билим юртини ҳамда Ҳарбий-денгиз академиясини тугаллаган, ихтисоси жиҳатидан олий малакали электрчи инженер, техника фанлари доктори, профессор.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. 1947 йилдан 1964 йилга қадар СССР Ҳарбий-Денгиз Флотида офицерлик лавозимларида ишлаган.

Запасга бўшатилгандан сўнг 1964 йилдан буён жумҳурият Фанлар академияси системасида Механика институти ва ҳисоблаш марказининг катта инженери, Ўзбекистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисоблаш маркази бўлган Кибернетика институти лабораториясининг мудири бўлиб ишлаган. 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳисоблаш маркази бўлган Кибернетика институтининг бош илмий ходими.

Информатика соҳасидаги таниқли олимнинг Иттифоқимизда ва чет элларда 124 та илмий асари босилиб чиққан. Унинг илмий раҳбарлигида 15 та номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳукуматнинг 16 та мукофотини олган, II даражали «Ватан уруши», «Қизил Юлдуз» орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

Тулепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ



1929 йилда туғилган, қорақалпоқ, 1954 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Қорақалпоқ давлат педагогика билимгоҳини битирган. Меҳнат фаолиятини 1945 йилда Қорақалпоғистон АССР Кегайли районидаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнгра «Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати» ойномасида адабий ходим бўлиб ишлади. Эллигинчи йилларнинг бошларида мухтор жумҳурият адабий ҳаётида иштирок этади.

Қорақалпоқ, ўзбек, рус тилларида ва СССР халқларининг бошқа тилларида унинг ўнлаб китоблари босилиб чиққан, айрим асарлари чет тилларга таржима қилинган. Адабий асари учун Қорақалпоғистон АССРнинг Бердах номли давлат мукофотига, Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номли давлат мукофотига сазовор бўлган. 1986 йилда уч китобдан иборат «Қорақалпоқлар ҳақида достон» тарихий асари учун унга СССР Давлат мукофоти берилган.

1980 йилда Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг раислигига сайланади. Кўп йиллардан буён у Ўзбекистон ССР ва СССР Ёзувчилар уюшмаси раҳбар органларининг аъзосидир. Адибнинг асосий мавзуларидан бири — Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экология фалокатидир.

У СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси, Қорақалпоғистон АССР халқ депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси. «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган.

Акмал Холматович САИДОВ



1958 йилда туғилган, ўзбек, партиясиз. Олий маълумотли, В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунини ҳамда СССР Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ билимгоҳи аспирантурасини тугаллаган, 1990 йил сентябрида докторлик диссертациясини ёқлаган.

1985 йил февралидан декабригача Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номли Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг катта илмий ходими, сўнгра Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанлар бўлимининг илмий котиби бўлиб ишлади.

1986 йилдан 1987 йилга қадар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида тарғибот ва ташвиқот бўлимининг лектори бўлиб ишлади. 1987-1989 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ билимгоҳи давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши шўъбасига мудирлик қилди. 1989 йилнинг мартидан декабрига қадар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Мафкуравий бўлимининг мудири бўлиб ишлади. 1989 йилнинг декабрида Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси этиб сайланди.

Халқ депутатлари посёлка Советининг депутати. 1990 йил июнида Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети таркибига сайланди.

СССР Ёшлар ташкилотлари комитети ҳайъати бюросининг аъзоси, Осиё ва Тинч океан минтақаси ҳуқуқшунослари халқаро уюшмасининг аъзоси, СССР ҳуқуқшунослар уюшмасининг аъзосидир.

Сарвар Олимжонович АЗИМОВ



1923 йилда туғилган, ўзбек, 1953 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, В. И. Ленин номли Ўрта Осиё давлат дорилфунунини битирган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари доктори, СССР Министрлар Кенгаши ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин ва Давлат мукофотлари комитетининг аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1946 йилда Ўзбекистон ССР Радиокомитетида масъул муҳаррирликдан бошлаган. 1949-1954 йилларда Ўзбекистон ССР Адабиёт музейида, Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида илмий иш билан шуғулланган. 1954 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири, 1956 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби, 1957 йилдан маданият вазири, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри. 1969-1980 йилларда СССРнинг Ливандаги, сўнгра Покистондаги элчиси.

1980 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби, СССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг котиби, 1988 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазири.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг депутати. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.

Вячеслав Мухторович КАМОЛОВ



1940 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент гидрометеорология техникумини ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг Ф. Дзержинский номли олий мактабини тугаллаган.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент вилоятидаги «Турк» гидрометеорология станциясида техник-гидролог бўлиб ишлашдан бошлаган, сўнгра Тошкент вилоятидаги «Қизилча» қор кўчки станциясида катта техник-гидролог бўлиб ишлаган. Совет Армиясида хизмат қилиб қайтгач, Тошкент авторемонт заводида силлиқловчи, қирғиз авиаотрядида радист бўлиб ишлаган. 1965 йилдан 1989 йилга қадар давлат хавфсизлиги органларида оператив вакил, катта оператив вакил, бўлинма бошлиғи, СССР Давлат хавфсизлиги комитети бўлим бошлиғининг ёрдамчиси, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаган. 1986—1989 йилларда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлган. 1989 йилдан Ўзбекистон ССР ички ишлар вазиридир. Генерал-майор.

Қизил Юлдуз ордени, СССР медаллари, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос» фахрий унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.

Шукурулла Раҳматович МИРСАИДОВ




1939 йилда Ленинобод шаҳрида туғилган, ўзбек, 1962 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент Молия-иқтисод билимгоҳини тугаллаган, иқтисод фанлари доктори.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Тошкент вилоят план комиссиясининг иқтисодчиси бўлиб ишлашдан бошлаган. Шундан кейинги йилларда Тошкент вилоят план комиссияси катта иқтисодчиси, шўъба бошлиғи, раис ўринбосари, Тошкент вилоят ижроия комитети бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 1971 йилдан шаҳар план комиссиясининг раиси, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1981 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосари, сўнгра биринчи ўринбосари, 1984 йилда эса жумҳурият Марказий ҳисоблаш бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланади. 1985-1988 йилларда Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси, сўнгра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ижтимоий-иқтисодий бўлимининг мудири бўлиб ишлайди, 1989 йил августидан Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлайди.

1990 йил март ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси этиб тайинланади. КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ депутатидир. Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги, «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан мукофотланган.

Эркин САМАНДАРОВ



1935 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Хоразм давлат педагогика билимгоҳини тугаллаган, педагог.

1957—1958 йилларда ўрта мактаб муаллими, сўнгра «Пахтакорлар овози» Урганч район рўзномаси таҳририятида, Хоразм вилоят ижроия комитетининг радиоэшиттириш комитетида, «Хоразм ҳақиқати» вилоят газетаси таҳририятида ишлади, вилоят партия комитетининг инструктори, Хоразм вилоят ижроия комитети матбуот бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Хоразм вилоят комитети тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири бўлди, Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетида ишлади. У ўнлаб шеърлар тўпламлари, бир неча пьеса, драма асарлари, қўшиқлар муаллифидир.

1977—1990 йилларда «Хоразм ҳақиқати» вилоят рўзномасининг муҳаррири, сўнгра Ўзбекистон Компартияси Хоразм вилоят комитетининг котиби, Ўзбекистон Компартияси Хоразм вилоят комитетининг котиби — бўлим мудири.

СССР медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси ҳайъатининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. МАҲМУДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШҚИ САВДО ВА ЧЕТ ЭЛЛАР БИЛАН АЛОҚА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрток Анвар Маҳмудов Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 1 октябрь.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг қарори

ЎРТОҚ А. Ю. КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖУМҲУРИЯТ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ МАРКАЗИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

Ўрток Азиз Юнусович Каримов Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жумҳурият давлат-кооператив марказининг раиси этиб тайинлансин.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 1 октябрь.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Ўзбекистон ССР Президентининг 1990 йил 28 сентябрдаги Фармонини бажариш юзасидан «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзбекгидроэнергострой» давлат қурилиш-монтаж трести базасида Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Иссиқлик ва гидравлик электр станциялари, электр ва иссиқлик тармоқлари корхоналари, Ўзбекистон энергетика-созлаш, Ўзбекистон энергетика назорат корхоналари, қурилиш-монтаж трестлари, савдо ишлаб чиқариш бирлашмалари, шунингдек бошқа корхоналар ва ташкилотлар министрлик ихтиёрига берилди.

Ўзбекистон ССРнинг янги ташкил этилган Энергетика ва электрлаштириш министрлиги зиммасига бозор муносабатларига ўтиш шароитида жумҳурият халқ хўжалиги ва аҳолисининг электр ва иссиқлик қувватига тез ортиб бораётган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш мақсадида келгусида тармоқни ривожлантиришга қаратилган мураккаб вазифаларни ҳал қилиш юклатилмоқда.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ташкил этилиши электр энергия ҳосил қилиш, тақсимлаш, электр станциялар, электр тармоқларини ва иссиқлик билан таъминлаш иншоотларини қуриш, жумҳуриятда якка тартибда уй-жой қуриш жадал ривожлантирилаётганлиги муносабати билан янгидан барпо этилаётган аҳоли пунктларини электрлаштириш масалаларини ҳар томонлама ҳал қилишга кўмаклашади.

Тегишли жумҳурият идораларига Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги тузилганлиги билан боғлиқ молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг аъзолари

Виталий Николаевич СИГЕДИН



1937 йилда туғилган, рус. 1962 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Томск политехника институтини, Тошкент Олий партия мактабини битирган. Кон инженери.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Навоий кон-металлургия комбинатида бошлаган. Бу ерда кон мастери, проходчики, кон мастерининг дублери, кон бошлиғи, шахта бошлиғи бўлиб ишлаган. 1963 йилдан Бухоро вилояти Учқудуқ майдончаси партия комитетининг котиби этиб сайланади, сўнгра корхона директори бўлади. 1966 йилдан Ўзбекистон Компартияси Навоий шаҳар комитетининг биринчи котиби, 1971—1973 йилларда Навоий кон-металлургия комбинати корхоналарида ишлаган. Кейинроқ Ўзбекистон Компартияси Зарафшон шаҳар комитетининг биринчи котиби бўлган.

1976 йилдан Навоий кон-металлургия комбинати марказий кон бошқармасининг директори, 1983 йилдан эса В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори, Навоий кон-металлургия комбинати системасида ишлаб, Қизилқум саноат районининг ўзлаштирилишида ўз куч-ғайрати ва билими билан катта ҳисса қўшди.

Ленин ордени, Октябрь инқилоби, Халқлар Дўстлиги, «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан тақдирланган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси.

Бахтиёр Султонович ҲАМИДОВ



1944 йилда туғилган, ўзбек, 1974 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент бинокорлик техникумини ва Тошкент политехника институтини битирган, қурувчи-инженер.

Меҳнат фаолиятини 1961 йилда «Стройгазмонтаж» монтаж бошқармасида слесарликдан бошлаган. 1964 йилдан 1975 йилгача қурилиш трестларида ишлаган. Прораб, катта прораб, бўлим бошлиғи, монтаж бошқармасининг бошлиғи, қурувчилар механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи бўлган. 1979 йилдан «Сельтрансспецстрой» трестининг бошлиғи, «Узсельсантехгазмонтаж» трестининг бошлиғи, 1983-1985 йилларда — «Узсельспецмонтаж» жумҳурият қурилиш-монтаж бирлашмасининг бошлиғи.

1985 йилда Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши вазирининг ўринбосари этиб тасдиқланган, 1986 йилдан «Узагропромстрой»нинг раиси, Ўзбекистон ССР Давлат деҳқончилик-саноат комитети раисининг ўринбосари Ўзбекистон ССР вазири. 1989-1990 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Иқтисодий бўлимининг мудири. 1990 йил апрелидан Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Давлат план комитетининг раиси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қорақалпоғистон АССР халқ депутати, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланган.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ҳалима Умматқуловна ХУДОЙБЕРДИЕВА



1947 йилда туғилган, ўзбек, 1979 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли: В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунини битирган, мутахассислиги бўйича журналист, шоира.

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Сирдарё вилоятининг Боёвут районидаги «Ленин байроғи» район рўзномасида адабий ходимликдан бошлаган. Кейинроқ «Сирдарё ҳақиқати» вилоят рўзномасида, «Саодат» ойномасининг таҳририятида ишлаган. 1975 йилдан 1977 йилгача — СССР Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги олий адабий курслар тингловчиси. 1979 йилдан «Ёш гвардия» нашриётида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган, 1983 йилдан эса «Саодат» ойномаси бош муҳаррирининг ўринбосари. Ҳозир «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири.

Шеърият муҳлислари ўртасида катта шуҳрат қозонган бир қанча шеърий тўпламлар муаллифидир. «Оқ олмалар» ва «Чаман» шеърий китоблари учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган. СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ депутати. «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланган.

Баҳромжон Маҳмудович ЭРГАШЕВ



1956 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент қишлоқ хўжалик билимгоҳини битирган, зироатшунос олим.

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Фарғона вилоятининг Ленинград районидаги Энгельс номли колхозда участка агрономлигидан бошлаган, сўнгра шу райондаги қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи, саноат бирлашмаси деҳқончилик бўлимининг бошлиғи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифатини текширувчи давлат бош инспектори, Ленинград район саноат бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари, раиси бўлиб ишлаган. 1987 йилдан буён Фарғона вилоятининг Ленинград районидаги Энгельс номли колхозга раислик қилмоқда.

СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси, вилоят Колхозлар кенгашининг раиси.

Шукрулло ЮСУПОВ (Шукрулло)



1921 йилда туғилган, ўзбек, партиясиз. Олий маълумотли, Тошкент педагогика билимгоҳини тугаллаган. Ўзбекистон ССР халқ шоири. Мактабда ўқитувчи бўлиб, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг аппаратида, Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаган.

20 дан ортиқ китоб муаллифи. Уларнинг орасида «Нур», «Тошкент, 26», «Аср бахти», «Хатарли йўл», «Сенинг орзуинг» каби китоблар бор, шоирнинг уч жилддан иборат танланган асарлари ва бошқа китоблари чиққан.

Унинг кўп шеърлари ва поэмалари рус тилига, СССР халқларининг бошқа тилларига, шунингдек чет тилларга таржима қилинган.

Бадиий таржима соҳасида фаол иш олиб бормоқда. Г. Гейне, К. Гоцци, Т. Шевченко, А. Блок, А. Твардовский ва бошқа шоирларнинг бир қанча асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг аъзоси сифатида халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, ижодкор ёшларни тарбиялаш юзасидан фаол адабий ва ижтимоий-сиёсий иш олиб бормоқда.

У Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходимидир.

Халқлар Дўстлиги ордени, медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Эркин Юсупович ЮСУПОВ



1929 йилда туғилган, ўзбек, 1958 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент давлат дорилфунунини тугатган. Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1954 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика билимгоҳида муаллимлик қилишдан бошлаган, сўнгра фалсафа кафедрасининг мудири бўлиб ишлаган, 1972-1979 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори бўлиб ишлади. 1979 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президент этиб сайланди. 1990 йилнинг февралидан буён В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунининг ректоридир, у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳайъатининг аъзоси, «Ўзбекистон ижтимоий фанлари» ойномаси бош муҳарриридир. Ўзбекистон ССР Олий Советига раис этиб сайланган эди.

У СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси, Халқаро алоқалар комитетининг ва депутатлар одоб-аҳлоқи комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Совет маданият жамғармаси Ўзбекистон жумҳурият бўлими ҳайъатининг раисидир.

Октябрь инқилоби ордени, иккита «Ҳурмат Белгиси» ордени, СССР ва МХР медаллари билан тақдирланган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, фан ва техника соҳасида жумҳурият мукофотларининг икки карра лауреатидир.

Иқтисод ва ҳаёт



ТАҚЧИЛЛИК КАМАЯДИМИ?

Шу кунларда Хитой Халқ Жумҳуриятининг Цзиминь вилоятидаги Яньбань импорт ва экспорт бўйича ташқи савдо бош компанияси вакиллари жумҳуриятимизда бир неча кун меҳмон бўлишди.

Нима қилиш керак? Кун сайин дўконлар пештахталаридан нимадир йўқолиб бормоқда. Дастлаб шакар, совунга ўхшаш моллар эди. Бугунга келиб гилам, дарпардалик, совутгич, биллур идишлар, радио, телевизор, гилам, тамаки маҳсулотлари... санаб адоғига етолмайсан. Мавзуни бўрттириш эмасу, эслайверсанг, даминг ичингга тушиб кетади.

Хўш, бундай инқироздан қандай қилиб чиқиш мумкин? Аҳолининг ҳеч бўлмаса, ҳозирча кундалик эҳтиёж буюмларига бўлган талабини қандай қондириш мумкин?

Бугун кўпгина соҳаларнинг ишбилармон кишилари ана шундай жумбоқларга ечим изламоқдалар. Пойтахтимиз Тошкентдаги энг катта савдо шохобчаси — Меҳнат Қизил Байроқ орденли Марказий универсал дўкони жамоаси шундайлардақ биридир.

Яқиндагина ушбу дўкон директори, Ҳ. Р. Шарипов бошлиқ вакиллар гуруҳи Хитойда бўлиб қайтишган эди. Улар қўшни мамлакатнинг етакчи ташқи савдо компанияларидан бирида бўлиб, улар билан буюм айирбошлаш масалалари тўғрисида музокаралар олиб боришганди. Бундан бир неча кун муқаддам ХХЖнинг Цзиминь вилоятидаги Яньбань импорт ва экспорт бўйича ташқи савдо бош компанияси вакиллари Ўзбекистонга келишди. Хитойлик ишбилармон тижоратчилар чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш Тошкент уюшмаси орқали Олмалиқ тоғкон металлургия комбинатига чиқдилар. «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасида, жумҳурият Бинокорлик материаллари саноати вазирлигида бўлдилар.

— Амалий ташриф кундалигидан ўрин олган Тошкент марказий дўконидаги музокаралар илиқ, икки томонлама манфаатдорлик вазиятида ўтмоқда, — деди чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш Тошкент уюшмаси тижорат директори Муротбек Рустамович Рустамбеков. — Хитой фирмасининг имкониятлари жуда кенг. Улар Гонконг ва Жанубий Корея сингари тижорат борасида дунёга донги кетган мамлакатларда ўз шохобчаларига эга. Пойтахтимиздаги Марказий универмаг жамоаси ҳам ички бозорни тўйинтириш мақсадида мол айирбошлаш дастури бўйича ташқи мамлакатлар билан тўғридан-тўғри иқтисодий ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйиш ниятида.

Музокаралар давом этмоқда. Дастлабки натижалар умидбахш.

— Бундай ташқи савдо-иқтисодий алоқалар бозорнинг бир қисмини, ушбу ҳолатда эса дўконимизни саноат молларига тўлдиришга кенг йўл очади. Аммо юқорининг кўпдан-кўп қарор ва кўрсатмалари бўлишига қарамасдан ҳамкорликдаги корхона учун ҳисоб варағини очиш анча мушкул кечмоқда. Аниқроғи, йўллар тўсиб қўйилган, — дейди Тошкент Марказий универмаги директори Ҳ. Р. Шарипов. — Ҳозирча эса битта янгилик айтишим мумкин. Хитой томони бизда махсус бўлим очишга розилик берди. Бунинг учун Яньбань бош компанияси бош директори ва унинг ҳамкасбларидан беҳад миннатдормиз.

Сувонқул РУСТАМ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

* * *

СУРАТДА: хитойлик ишбилармон тижоратчилар Тошкент Марказий дўконида.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

Хушхабарлар

ЧИРЧИҚДАГИ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида тақчил колготкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу корхонани реконструкциялаш лойиҳасида кўзда тутилган. Лойиҳани экологлар маъқуллашди. Шартномага кўра уни Италия фирмаларидан бири амалга оширади. Колготкаларни тайёрлашни икки-уч йилдан кейин бошлаш мўлжалланмоқда. Айни вақтда яна бир муаммо — бирлашмада ишлаб чиқариладиган қимматбаҳо хом ашё — капролактамни шу ернинг ўзида қайта ишлаш муаммоси ҳал этилади. Илгари капролактамдан Ўзбекистонда фойдаланилмасдан, жумҳуриятдан ташқарига жўнатиларди.

* * *

«БИЛИМ» жамиятининг иқтисодий ва илмий-техникавий тарғибот Жумҳурият уйи ўтказаётган геология-қидирув соҳасидаги ғоялар ярмаркасига Тошкент, Олмаота, Тюмень, Иркутск, Уфа, Қозондан тўпланган 25 «сотувчи» ўз молини таклиф этди. Ярмаркада истиқболли ғояларни ҳам, тайёр ишланмаларни ҳам сотиб олиш мумкин.

(ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

Телетайп лентасидан

ПРАГА. Жанубий Моравиянинг Ждяр-Сазав шаҳрида ЧСФЖ сиёсий системасини анъанавий ва нуфузли тарзда ташкил этувчи Чехословакия Халқ фирқасининг навбатдан ташқари съезди ўз ишини тамомлади. Маълумки, мазкур фирқа мамлакатда ўтган йилги ноябрь воқеаларининг фаол қатнашчисидир. Чехословакия халқ фирқаси Раисини сайлаш кун тартибининг асосий банди бўлди. 34 яшар Йозеф Лукс фирқа Раиси этиб сайланди.

Лукс ЧТК ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбатда ЧХФ ўнг йўналишдаги фирқа бўлади, деди. Унинг фикрича, вақт ўтиши билан ЧСФЖда христиан фирқалар гуруҳи ташкил этилади.

БЕЛГРАД. Хорватиянинг жануби-ғарбида, серб аҳолиси яшайдиган ноҳияларда кечаги кун нисбатан осойишта ўтди. Хабар қилинишича, пайшанба кунидан бошлаб бу ерда мазкур ноҳияларга Хорватия ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмалари олиб кирилганлиги натижасида миллатлараро кескинлик ғоят кучайди. Махсус бўлинмалар тунда серб жамоаларидаги милиция аслаҳахоналаридан қуролларни тортиб ола бошладилар.

Маҳаллий аҳоли бу тадбирларни аҳолининг янада кенг кўламдаги ғалаёнига сабаб бўлади деб баҳолаб, кескин норозилик билдирди.

НЬЮ-ЙОРК. Ироқнинг Қувайтга ҳужуми ва мазкур мамлакат босиб олинганлиги муносабати билан Форс кўрфазида вужудга келган танглики фақат тинч воситалар билан бартараф этиш мумкин. АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Роберт Гейтс Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси мухбири билан суҳбатда ана шундай фикрни айтди.

«Муаммони тинч йўл билан бартараф этиш имкониятлари ҳамон сақланиб қолмоқда, — деди у. — Саддам Ҳусайнни яккалаб қўйиш сусаймаяпти, аксинча кучаймоқда. Унинг яқин дўстлари ҳамда унга нисбатан ғоят хайрихоҳ бўлган Яман ва Иордания БМТ резолюцияларига, у жорий этган жазо чораларига бўйсинмоқдалар».

Америка маъмуриятининг вакили Форс кўрфазидаги тангликни бартараф этишда Совет Иттифоқи «ғоят муҳим» роль ўйнашини айтди.

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Ж. Буш федерал бюджет камомадини беш йил мобайнида 500 миллиард доллар қисқартириш йўллари тўғрисидаги масала хусусида конгресс раҳбарлари билан битимга эришганлигини Оқ уйда маълум қилди. Маъмурият билан қонун чиқарувчилар федерал хазинани тўлдириш учун ёқилғининг барча турларига, биринчи навбатда бензинга, шунингдек, тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликларга янги солиқ ва зеб-зийнат буюмларига «ортиқча солиқ» жорий этиш тўғрисида келишиб олдилар. «Мен солиқлар оширилишини ёқламайман», деди Президент. У атайлаб Нью-Йоркдан Вашингтонга бир неча соатга келди. Президент бу ерда БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида нутқ сўзлаши керак. Бироқ у бундай тадбирларни зарур деб ҳисоблашини қўшимча қилди.

Солиқлар ва федерал хазинага турли тўловларни ошириш ҳисобига қўшимча равишда 130 миллиард доллар маблағ тушади. Бундан ташқари 5 йил давомида ҳарбий харажатлар жами 170 миллиард доллар қисқаради.

«Медикейер» программаси бўйича имтиёзли тўловларни қисқартириш ҳисобига 120 миллиард доллар тежаб қолинди.

Эндиликда сенат билан вакиллар палатаси шошилинч мажлислар ўтказадилар. Мажлислар давомида улар ҳукумат муассасаларини вақтинча пул билан таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини маъқуллашлари лозим.

БМТ. Совет Иттифоқи билан Исроил консуллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисида келишиб олди. СССР ва Исроил ташқи ишлар вазирлари Э. А. Шеварднадзе билан Д. Леви БМТ қароргоҳида учрашганларидан кейин ана шу ҳақда маълум қилдилар.

Суҳбатимиз қизиқарли, зарур суҳбат бўлди ҳамда яхши ва амалий вазиятда ўтди, деди Э. А. Шеварднадзе. Биз кейинги вақтда муносабатларимизда, жумладан сиёсий даражадаги мулоқотларда ўзгаришлар бўлганлиги ҳақида гапирдик. Савдо палаталари йўли билан иқтисодий муносабатлар ривожланмоқда. Мамлакатимиз Президенти ўртоқ Горбачевнинг Исроил вазирлари билан ғоят муҳим учрашуви бўлиб ўтди. Кўпгина сиёсат арбоблари ва жамоатчилик вакиллари Исроилга бордилар. Бу эса муносабатларимизни яхшилайди.

Биз иккала мамлакат ўртасида консуллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисида ҳам аҳдлашиб олдик, — деди СССР ташқи ишлар вазири. Биз Тел-Авив ва Москвада бош консулхоналар очишга розилик билдирдик. Масалаларни амалий тартибда ҳал этамиз. Ташкилий, таркибий ва консуллик ходимларининг сони тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинади. Аммо биз бу ишни бир ҳафта ёки ўн кундан кейин амалга ошира олишимиз мумкин.

Иккинчи ғоят муҳим масала хусусида маслаҳатлашувлар олиб боряпмиз. Бироқ, биз маслаҳатлашувларни қонуний тусга киритишга, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида, жумладан ташқи ишлар вазирлари даражасида мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш механизмини вужудга келтиришга қарор қилдик. Биз Исроил Ташқи ишлар вазири билан ҳозир мунтазам асосда учрашишимиз лозим.

(СИТА, 1 октябрь).

МУЗОКАРАЛАР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

ДЕҲЛИ. (СИТА мухбири Александр Гуров). ПТИ ахборот бошқармасининг Исломободдан хабар қилишича, Ҳиндистон билан Покистон ташқи ишлар вазирлигининг ташқи ишлар котиблари (вазирларнинг биринчи ўринбосарлари) иштирокида ишонч тадбирларини мустаҳкамлаш юзасидан Ҳиндистон — Покистон музокараларининг учинчи даврасини ўтказиш муддати бошқа кунга кўчирилди. Бундан аввал, шу йилнинг август ойида Ҳиндистон пойтахтида бўлиб ўтган музокараларнинг иккинчи даврасида мулоқот октябрнинг биринчи ҳафтасида Покистон пойтахтида давом эттириладди, деб келишиб олинган эди.

Покистон Ташқи ишлар вазирлиги ташқи ишлар котиби Шаҳриёрхон журналистлар билан учрашувда айтганидек, Деҳли музокараларнинг учинчи даврасини октябрь ойи охирлари ва ноябрь ойининг бошларида ўтказишни таклиф қилган. «Аммо биз ҳозирча, Ҳиндистон пойтахтидан у мулоқотни қачон давом эттиришни хоҳлаётганлиги ва музокара аниқ қайси муддатда ўтиши тўғрисида кўрсатма олганимиз йўқ», деди Шаҳриёрхон.

Айни пайтда Покистон ҳукумати расмий вакилларининг айтишларича, 24 октябрда Покистонда умумий сайлов ўтказилиши, шунингдек Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмасига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг 11 ноябрь куни Малида бўладиган учрашуви муносабати билан Ҳиндистон таклиф этадиган муддат биз учун унчалик мақбул эмас. Ана шуларни ҳисобга олганда, музокараларнинг учинчи даврасин декабрдан олдин ўтказилмаса керак, деб таъкидлашди ана шу вакиллар.

(СИТА, 1 октябрь).



Зўр-а, янги модель — «Скутер». Ҳар қандай спорт автомобиллари ва мотоциклларидан қолишмайди. У Вольфсбургдаги машҳур фирма «Фольксваген» программаси асосида яратилган.

Олмония Федератив Жумҳурияти корхонаси ярим асрлик тарихига бағишлаб ўтказилган ОДЖ кўргазмаларида янги модель намойиш этилган.

АДН—СИТА сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ГУГУРТ ҚУТИСИДАН... КЕМА

● 20 ЁШЛИ АҚШ фуқароси Роберто Пирроне гугурт қутиларини бир-бирига ёпиштириб, машҳур «Титаник» кемасининг моделини йиғди. Узунлиги олти метр бўлган бу «кема»ни ясашга Робертонинг тўрт йил вақти кетди. Пирроненинг бу ихтироси Монтери-Парк шаҳридаги музейга қўйилди.

ДУШАНБА — ОҒИР КУН

● СТАТИСТИК маълумотларга кўра, 15—59 ёшдаги инглизлар ўлимининг кўп қисми душанба кунига тўғри келар экан. Врачларнинг фикрича, бир, икки кунлик дам олишдан кейин инсон организми ҳафтанинг биринчи иш кунига кўника олмайди. Натижада, турли касалликларга дучор бўлиб, охири инфарктга учрайди. Мабодо, душанба куни байрамга тўғри келса, сешанба «инфарт куни» бўлар экан.

24 ХОТИНЛИ КИШИ

● ЗИМБАБВЕДА яшовчи Тхума Нзумокасе исмли кишининг 24 хотини, 139 та фарзанди бор. Шу йилнинг май ойида уч хотини унга яна ворис туҳфа этди, бошқа уч рафиқаси эса талоқ хати талаб қилмоқда. Оила бошлиғининг эса парвои палак — яқинда 13 ёшли қизчага уйланиб олди. Бу кўп болали оила мамлакатдаги қолоқ қишлоқлардан бирида яшайди. Нзумокасе — профессионал табибдир. Унинг йиллик даромади 95 минг долларни ташкил этади. Оила бошлиғи бир ҳафтага: бир тонна жўхори уни, 48 шиша зиғир ёғи, 500 дона нон, 80 килограмм қанд, битта мол сотиб олади. Ундан ташқари оила бошлиғи болаларига илм олиш учун ҳам пул тўлайди.

“СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН...“

(ШОИРА ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ИЖОДИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР)

1

Бу аёл Зебуннисобегимга ўхшайди... Товусларнинг олтин қаноти порлаган фирдавс оғушида Машриқ томонларга ўксик нигоҳ қадаб илоҳий сатрлар битган олиҳа Зебуннисобегимга. Маликанинг ҳарир кўйлаги этаклари сархуш майса япроқларини мулойим сийлар экан, япроқлар юзидаги шабнам томчилари тобора равшанлашади...

Аммо фирдавс йўқ. Товуслар йўқ, Малика... Энди ҳадду ҳудудсиз пахта плантацияларида паришонрўзгору хастадил, аччиқ толели аёлларнинг ғамгин, куюкдил бир шоираси бор. — Ҳалима Худойбердиева.

Лампачироқ пилиги титраб куяр кечалар,
Келинчаклар бошини музга қўяр кечалар,
Чақалоқдан отасин ҳидин туяр кечалар...

Бу бизнинг маликаларимизга насиб қилган «толеъ». Бу...

Бир тикилган маҳсини тўрт бор тўздириб тикиб,
Кўрпасин бошга тортса, оёғи қолган чиқиб,
Қийин кунлар қорида юпун, ивиган аёл,
Тирноғидан қон сизиб, кўсак чивиган аёл...

О, Аёл, сени бу кўйларга ким солди? Жумла Машриқнинг пайғамбарэъжоз шоирлари кўксини ёрган, дилларин хуноб қилган маъбуда бу сенми? Жумла Машриқнинг авлиёфитрат шоирлари жигарини эзган, уларни девона-дарвишлик кўйига солган олиҳа бу сенми? Тулпори туёғининг дупури оламларга ғулу солган баҳодирларни олисдан-олис сафарларга кузатиб қолган собира, сарвара, солиҳа сенми?..

Шу келинчак, шу аёл Сенмасмидинг, дилбандим.
Етмиш икки томирим, жигарим банди-бандим,
Сен отамми, боламми, билолмайман, асли ким,
Бир четида қуёшдай онам ботган Ватаним,
Бир четини қўриқлаб отам ётган Ватаним.

Далалар тўзони юзларига тўр ташлаган, азиятли йиллар гирдбоди ғуборлари кўзларин нурин олган, машаққат залвари қаддини буккан Ватан бу. Басирати равшанлар, дили поклар, тийнати кушодлар биладиларки, Ватан ўзгадир. У муфтхўр мустабидларнинг «ризқ»ига айланган минглаб сурув билан саҳроларга чекинган, тоғу тошларга бешик тиккан, у олис-олисларда — етти қават осмон ва ғоятда тор замин устидаги чўлиқдир. Имони бутлар, эътиқоди собитлар биладиларки, Ватан ўзгадир. У неча минг фарсахга ястанган кўру карахт, қулпарвар далалардир. Бу далалар бағрида забун маликалар тонгдан шомгача сўзона тикмайдилар, сочларига анбар сурмайдилар, қошларига ўсма томизмайдилар, ошиқларга маҳзун-маҳзун номалар битмайдилар...

Ватан тилсимлари талош бир улуғ қаср эдиким, бу қаср дарвозаларининг ўн иккисидан бири ҳам қолмади ва бугун бу бенишон «дарвоза»лардан исталган кимсанинг боши ҳам, туёғи ҳам ўтаверади. Унинг ҳоки азиз эди жамики азизларидек...

Отам бўлсанг руҳингга садоқатдан айтайин,
Болам бўлсанг ёнар жон, ёнар хатдан айтайин,
Момом, онам айтганин мен бошқатдан айтайин,
Кўйлагим шамолидан баҳра олар Ватансан,
Майсасида сочимнинг ҳиди қолар Ватансан.

Бизнинг шоирамиз Ватанни ана шундай қўмсайди, эъзозлайди, тавоф қилади. Кечмиш фирдавслардаги зангор майсалар малика ҳарирининг анбар бўйини эслайдилар, фирдавснинг хушрўй гўшалари олиҳа маликанинг сунбул сочлари бўйини ёд этадилар... Бизнинг маликамиз Ватан кенгликларида Ватанни қўмсайди. Бир азиз, бир мунис, бир бус-бутун, комил Ватанни истайди... Ва беихтиёр ҳазрати шайх Навоийнинг:

Истаганлар бизни саҳройи балодан истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти балодан истангиз...

сатрлари бутун вужудингизга ғулу солади. Шайх асосининг зарби қулоқларингиз остида садо беради. Ўшанда сиз бир наслий туйғу билан ҳазрат нафасини туясиз. Бу нафасни сиз қанчалик соғингансиз ва қанчалик бебаҳрасиз...

Шоира тушларида гирён-гирён қушларни кўради. Бу қушлар ҳазрати Яссавий мақбараси пештоқида ғужғон ўйнаган кабутарлардек... Улар пештоққа мунчоқлардек тизилиб фоний олам ҳудудларига, сир-синоатли йўлларга термулишади. Бу ҳудудларнинг бари-бари Ватан эди... Ватандир...

Аммо, бу ёқда:

Нон-тузини кўз ёшдай ёмғир, қорга қорган халқ...

Бизнинг маликамиз мансуб шаъншавкатли халқ хаёлу хотирадай чексиз саҳролар, кўз ёш ҳалқаларидек узундан-узун эгатлар, беҳуши беёд далалар бағрида бурунги сўзу суронларини, давру давронларини туш кўради.

У зил-замбил тириклик юкини яғир кифтига ортиб, зўриққан, пайчан оёқларини шўрлаган заминга босади. Унинг чор гирдида чирқиллаган жонҳалак руҳ — ана шу халқнинг олиҳа қизи, жигари, ҳамшираси. Бу руҳ чирқиллайди, чирқиллайди. Безовта. Хавотир. Ҳаловатсиз.

Аёл мунглиғ демишлар, гоҳ мунглиғ кўнгил бўлиб,
Ҳар алп оғаларимга қалдирғоч сингил бўлиб,
Ғамингиз тошдай босиб, қувончдан енгил бўлиб,
Билмайман бу кунларга қай тарзда етиб келдим,
Ҳар ҳолда бор чиғириқдан Сиз билан ўтиб келдим...

Армонлар кўнглига битмас из солган шоира ялдо шабистони янглиғ ўйлар оғушида Зебуннисобегим лутфи монанд ишқий, илоҳий ғазаллар битмоқни таманно қилади. Зебуннисо янглиғ беомон Ишқ изтироблари ва тийиксиз оташлари хусусида ёниқ, уйғоқ сатрлар биткиси келади. Муҳаббат қушлари нола чеккан боғлар оғушида фоний олам ҳоводиси, илоҳий ишқ лаззатлари ва азиятларини олий мақомларда куйламоқни орзу қилади. Бу осмоний бўстон чечакларига сим-сим ёмғирлар қуйилади, япроқлар юзида сиймин томчилар кўз ёши каби чарақлайди, малика жиққа ҳўл оппоқ ҳарир кўйлакда зору муштоқ мисралар маржонини тизгиси келади... Булбуллар чақчақлаган субҳидамнинг биллурий ҳаволарига сингиб кетмоқни, шафақлар оловида исинмоқни, борлиқ-оламида беқайғу, бекадар яшамоқни истайди. Аммо, кечмиш шукуҳин унутган вайрона қасрлар ўрнида ҳам, куни-кеча келинчаклар ўсма сиққан сўлим сойлар бўйида ҳам, бешикдан сакраб тушган тетапоя болаларнинг ўйин майдонларида ҳам оғир ва машаққатли меҳнатдан ўзга ҳеч нарса қолмаган. Бу ерларда қачонлардир сулувлар тамбур чертиб «сунбула»ни куйлаганларига, қалдирғоч қошларига сурма тортганларига, кокилларига баргак тақиб, зулфи зарларини чаён нишидек ўрганларига ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди.

Авжи юрмоқ ёшида шуъла кечиб, ой кечиб,
Мўйсафидлар ҳам юрди кўлмак кечиб, лой кечиб,
Ўспирин — ўғил-қизлар шавқдан, ҳойнаҳой, кечиб,
Шу пахта деб, шу нон деб, сарғайди, рўйи-ранги...

Шоиранинг боши қуйи солинди. Бу оламда ҳақиқат бормиди? Ҳақиқатнинг ўзи нима? У қай замонда қайси бир бандан бечорага насиб қилган эди? Малика Зебуннисога бу камёб толеъ насиб қилганми? Малика Нодирабегимга-чи? Не тонг, бу «бахт» шўрлик Ойсулувга ҳам насиб қилмади.

«...Кўзи кўр тақдирга ўт кетсин-а, бўлмаса Ойсулувдек сулув жувон бир каззоб ўғрига дуч келиб қолармиди...»

Ойсулувлар бетолеъ чиқди. Улар каззоб муҳитнинг қаҳрли ва қаттиқ қўлларида асира бўлдилар. Отган тонгига ҳам, ботган қуёшига ҳам, ичган сувига ҳам, симирган заҳру заққумига ҳам шукр қилмоққа ўрганган собира Ойсулув, соҳира Ойсулув, солиҳа Ойсулув.

«Тун яримлаб қолди, эрдан дарак йўқ. Бирдан оғил тарафда тапир-тупур, шивир-шивир, сигирнинг мунграши, хирқираши аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Кейин узоқ жимлик. Эри ҳадеганда келавермади. Ойсулув ой-куни етиб, шиқирлаб ўтирганидан тўшакдан аранг қўзғалиб оғил тарафга ўтди».

Ўзбекнинг Ойсулуви бу нотинч тунлар ухламайди. Ўзбекнинг Ойсулуви Бобораҳим Машрабдек девонаи орифни дунёга берган Биби Салима каби ҳақу ҳалолдир, покдоману бокирадир. Ёд этинг, қачонки юкли Биби Салима бозорга кирди ва беозор

2

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
шоира, Ўзбекистон ССЖ Президенти кенгаши аъзоси.

ЭВРИЛИШ БЎЛМАСА...

Орол оқмай қуйди оқар йўлидан
Аёл оқмай қуйди оқар йўлидан
Суйиб, бир-бирига боқар йўлидан
Инсон боқмай қуйди. Бу не синоат!
Ҳувиллаб қолгандай юртнинг ўр, қири
Йигитларда шаҳд кам, қизларнинг сири
Одамзод бирининг кўнглига бири
Чироқ ёқмай қуйди. Бу не синоат!
Эркакни гоҳ рашкмас, ҳасад ўлдирар
Аёлни гоҳ фаҳшу, фасад ўлдирар
Одамзод бир-бирин кўнглин кулдирар
Бир гул тақмай қуйди. Бу не синоат!
Гулоб тутажакмиз бўри чўлласа
Ишқилиб қўлласа, бизни қўлласа...
Ўзи йўқлигида хотин гулласа
Эр тутақмай қуйди. Бу не синоат!
Бугун шундай. Билмам не бор олдинда
Мисда бугун мис йўқ. Олтин олтин-да.
Эврилиш бўлмаса Дунёи-Дунда
Яшаш ёқмай қуйди. Бу не синоат!

12. IX. 90.

САДО

Мен оҳ тортсам оҳимга
Кимлар садо қайтарар
Тарқалиб кетган тошлар
Қумлар садо қайтарар.
«Овоз беринг, бормисиз!!»
Ваҳшат, қичқириғимга
Бир томири қилт этмай
Жимлар садо қайтарар —
Ўш, Ўзганда ҳовлилар
Ҳар шарпадан сесканар
Эгасиз қолган от — у,
Кийимлар садо қайтарар.
Босқинчи тунда босди
Отди. Чавақлаб осди.
Ҳўнграб йиғлаган шамол
Қуюнлар садо қайтарар.
«Сиз тирикми эдингиз
Ёвга нима дедингиз!»
Қабрлар, қабрчалар
Уюмлар садо қайтарар...

4. IX. 90

тужжорнинг ҳусайнисидан сўровсиз бир дона оғзига олди, дунёга келмаган Машраб нидо қилди...

Ўзбекнинг Ойсулуви — шайх Навоий, ҳазрати Бобур ва Ҳувайдонинг онаси. Аммо муҳит каззоб эса, давр ўғри, қаллобу қотил эса, сен нима қила олардинг, Ойсулув?...

«Ўтди-ю, донг қотиб қолди. Оғилнинг ичи оппоқ сут... Уйинг куйгур эр ўзининг бир ҳамтовоғи билан бировнинг эндигина бўшанган сигирини ўғирлаб келиб сўйибди. Гўштини нимталаб, эртага бозорга олиб чиқишга тайёрлаб қўйибди...»

Биз болаларини ҳаром-ҳаришдан қатъиян тийган, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмоқдан ҳазар қилган мўмин-муслималар фарзанди эдикки, фитратимиз пок эди, Ойсулув. Биз ўзганинг молидан, ризқу насибасидан, давлату дунёсидан парҳез қилган, ҳалоллик ва покликни фарз билган имон-эътиқодли зотлар пушти камаридан эдик-ку, Ойсулув! Жамият бошига сўнгги йилларда тушган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўргуликларнинг замир-замирида хиёнаткорлик ва таъмагирлик, ҳарислик ва ғоратгарлик тимсолидаги ғайриодамий залолат ётмасмикин? Бутун эл тирикчилик аравасини зўр-базўр судраётган, болалар, қизлар, жувонлар, мўйсафидлар одам зоти имкон-ихтиёридан йироқ захмату машаққатга гирифтор қилинган, афсонавий Машриқзамин хасталаниб жон талашаётган бир маҳалда бу қадар ҳаққхўр каззоблар қаёқдан пайдо бўлди, Ойсулув? Уларни ким яратди, Ойсулув? Нега етимлар ҳаққидан қўрқмадилар? Нега бевалар, бечоралар томоғидагини тортиб олиб итдек едилар. Хирадманд боболар: «Бировнинг ҳаққидан қўрқ» деб эдилар-ку!..

«Эр чағир кўзларини ўйнатиб бурчакдан бир бўхча олиб хотинига отди.

— Ма, эгнимга иларим йўқ, — деб қулоқни қоқиб қўлимга бердинг, хоҳлаганингча кий. Ўзиям эртага тўйи бўладиган қизди селидан, тахмонидан тинчитдим...

Ойсулув бўздай оқариб, бор кучини тўплаб бўхчани ҳовлига улоқтирганини билади, шарақлаб тушган тарсакининг зарбидан деворга бориб урилдида, илдизидан қўпорилган дарахтдай қулаб, чўзилиб қолди...»

Ўзбекнинг аёли қирқ ямоқ бўлса ҳам, ўзининг келинлик сепини токи тобутгача кияди, авайлаб кияди, ардоқлаб, эъзозлаб кияди, бир бечоранинг сепини киядими, эй номард! Ўзбекнинг аёли, гадойлик қилиб кун кўрадики, бировнинг хуржунидаги ушоққа кўз тикмайди; ўзбекнинг аёли очидан ўладики, кимсанинг ҳақидан умидвор бўлмайди. Бу халқнинг аёли — номус, ҳалоллик ва ишқнинг бокиразодалари, фариштлари, илоҳалари, ҳали ҳеч бир замонда ўғрилик моли ила турмуш тутмаган, бола боқмаган, рўзғор тебратмаган.

Биз хор-зорликларни ўбдон бошдан ўтказган фуқаролар суғуши, қатоғон, қаҳатчилик, карахтлик (турғунлик) ва 80-йиллар бошидаги такрорий қатоғон йилларида ҳам аёлларимизни ўғрилик моли билан боқмадик. «Ўзбеклар» деб оламга айюҳаннос солган олчоқлар, ришвахўр оқсуяклар, оёқлари остидаги қумрезалардек ғижирлаб қолган бўлсак ҳам, аёлларимиз биздан ҳалол нон, ҳалол сув, ҳалол туз талаб қилдилар. Ўғрилар бизлар эмас, ўзларини энг олий насаб, энг ақлли ва энг улуғ деб гумон қилганлар эди. Улар бу тупроқнинг бор мадорини, бор ширасини, бор қаймоғини одамларининг қонига қўшиб толон-торож этдилар...

Ойсулув...

«Мана бу унинг ўзига келиб эрига айтганлари:

Бўримидинг, тулкимидинг, эрмидинг,
Шўрим қотмаса мен сени дермидим
Кўзим чиқсин, кўрмидим — эй, кўрмидим,
Дунёсида энди тирик юрмайман.
Ҳаром есам; тағин ҳаром кийдирсанг,
Тириклайин ўтга солиб куйдирсанг,
Шулардан сўнг тағин ўзни суйдирсанг,
Дунёсида энди тирик юрмайман.
Аро йўлда ўлтирибман мунғаниб,
Кўнглим сезар, олопмасман ўнгланиб,
Ҳаром-ҳариш, қаро ерга тенгланиб,
Дунёсида энди тирик юрмайман.
Сеп — умрлик ўй-армондан йиғилар,
Томчи тердан, томчи қондан йиғилар,
Кўкрагимни ўяр қарғиш, йиғилар,
Дунёсида энди тирик юрмайман.
Аро йўлнинг аёнлари бўйнимда,
Илонлари, чаёнлари бўйнимда,
Ўғрилик — юк, чўянлари бўйнимда,
Дунёсида энди тирик юрмайман.
Оҳ, умрим-ей, энди унда абад шом,
Болам «ўғри боласи» деб олмас ном,
Увуз сутим эмизмайман, у-ҳаром,
Дунёсида энди тирик юрмайман.
Эр, сен қашқир тўшагига увлаб кир,
Қодир эгам, агар бўлсанг, кўр тадбир,
У қибламни бу қибламга айлантир!
Дунёсида энди тирик юрмайман.

...Эрталаб кун чошгоҳга келиб ёйилиб кетдиям, Ойсулув жойидан қўзғалмади...»

Бу мудҳиш қора кунлар куни-кеча бўлиб ўтганига ақл бовар қилмайди. Куни-кеча. Бутун эл-улус юрагига ваҳима солиб, гўёки ўғрига айланган бус-бутун халқнинг жиловини тортиб қўйиш учун марказдан оқиб келган «виждон»ларнинг ким эканини бугун дунё билади. Аммо, бу дунё қурғур билгунча ҳам неча минг-минг одамлар бехонумон бўлди. Қувғинлар, ҳақоратлар, зўрлик ва авахта-ю зиндонларда ҳам бу халқнинг руҳи яксон бўлмади. Қанчалар улуғвор, қанчалар сабр-қаноатли эди бу руҳ!..

Уни бугун тепкилашди,
Обдон тепишди.

3

бир, икки уч... бешов бўлиб
Олтовлон бўлиб.
Ҳушдан кетди, сув сепишди
Тағин тепишди.
Навбат билан, гоҳ бенавбат
Оломон бўлиб.
У яшин урган ниҳолдай
Гоҳ қад тиклар тик
Гоҳ йиқилар, маст қийқириқ,
Минги кулади...

Мардонавор улуслар ўз марҳумлари хусусида мазамматнома-ю лаънатномалар битмайди. Марҳумлар куфру савобини сарҳисоб қилиб ўтган умрлар қанчалар бечора! Зеро, ҳар қачон тирикларгина тириклар учун жавоб беради, Марҳумлар ортидан «тош» отмоқ учун камида марҳум бўлмоқ керак!

Макону замонлар мобайнидаги тириклик арсасида ҳар бир халқнинг ўз ўрни, ўз қиёфаси бор. Халқлар халқлардан, башар башардан мумтоз эмас. Мумтозият даъвогарлари истиғфор келтиринг! Шон-шукуҳ девоналари тавба қилинг! Эй, замон Искандарлари, сиз ҳам тавба қилинг!

Мақсадин йўқотган диллар оралаб,
Бевақт тўкилган қон, селлар оралаб,
Мақсадин йўқотган диллар оралаб,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун...
Тик туриб армонин ичиб қайтадан
Ўт олиб ҳар томир, ичинг қайтадан
Ҳаммасин бошламоқ учун қайтадан
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Минглаган воизу носиҳлар, муҳаққиқу муфаттишлар назаридан ўтган, жумлаи башар гоҳида ҳайрон қолиб, гоҳида хандон урган ақли шуаро ким ўзи? Шоир ким у? Шарқда илоҳий мақом соҳиби бўлган шеър ва унинг ижодкори рутбаси гоҳида шоҳаншоҳга, гоҳида дарвишга тенг келган. Аммо, Шарқ ўзининг оламга машҳур тождорлари билан мақтанмайди. У ўзининг оламсўз шоирлари билан ғурурланади. Шарқнинг олийқадр аёлининг табъи назми ҳақида ҳар нечук таъриф ва тавсиф қашшоқдир. «Ғаму нурдан» яралган бу олиҳа вужуд ҳақида шоиранинг назари ғоят латиф ва ростдир:

Ким билар бу ҳаётда қай тақдир аъло бўлғай,
Шоирга ўз юраги бир умр бало бўлғай.
Қайда дард эли бўлса шоир мубтало бўлғай,
Менам билмам дунёга ғамми нурман, моможон.
Мубталолик дардига меросхўрман, моможон.

Шеъру сухандан, шафқату изтиробдан йироқ, жуда оғир замоннинг шоираси илоҳа Увайсийга нола қилганда ўйламангки, Увайсий шоҳ саройида тонг саҳардан то масъум тунгача сармаст мажолисда нуқул шаккаргуфторлик қилган. Ўйламангки, Увайсий бода ичган-у саҳифага хома урган, сиёҳга хома. Ўйламангки, аёл боз устига шоира ўз кўнглининг муқомларида тебранган, қалқиган, тўлғонган-у холос. Булар бари бўҳтондир. Увайсий кўнгил беваси, дил гирифтори, ғам мубталоси эди. Гарчи...

Гарчанд зикр этганлари булбул бўлган, гул бўлган,
Гарчанд ҳар ашъорига минглаб юрак қул бўлган,
Бедилни билардингиз, дили ёниб кул бўлган,
Нечук сиз ҳам шу ўтга кўп шошдингиз, моможон,
Кўра-била ўт билан ўйнашдингиз, моможон.

Ривоят қиладиларки, қай бир замонда бир гуруҳ суфийлар рақс тушибдилар, авжи рақсда уларнинг бири ҳаддин зиёд ўздан кетибди. Яъни ҳалқадагилардан зиёда мажнунлик билан зикр тушибди. Бу ҳолни кўрган муршид зокирга дашном берибди ва зикрни парда ортида давом эттиришни таъкидлабди. Зокирлар масту аласт суфийнинг устига хирқа ташлабдилар. Орадан хийла фурсат ўтгач, ундан хабар олибдилар. Кўрсаларки хирқа остида суфийдан бир уюм кул қолибди...

Бу Ишқ кули, дард хокистаридир. Сиз, эй дунё зийнати кўзларин кўр қилган сувратлар, шаклу шамойиллар, бу кулни тамошо қилинг! Сиз, эй дунёи дуннинг шотирлари, югурдаклари, қулваччалари, шаъну шукуҳ гадоваччалари, бу дардни тамошо қилинг! Сиз, эй аёллар қон ютиб, суякларин гулханда қалаётганда ҳам маишатини бузмаган, жоҳиллару ғофиллар, дунёдорлару дунёхўрлар...

Шоира пирлари, устоди бузрукворлари қошидан қайтиб кўрадики, бу фоний дунёда бахт деган тансиқ неъматга етмоқ маҳолдир. Бу «неъмат» хўрандалари эса ер юзини ҳашаротлар каби босиб ётибди. Улар шу қадар хўраки қони силқиб турган жондан ҳам ҳазар қилмайдилар, магар у аёлнинг жони бўлса-да...

Нодирани даврон-ку сурардилар давронин,
Шеър ила куйлатарди халқи-ю Умархонни,
Нечун кун келиб у ҳам жаллодга берди жонин,
Ҳатто Моҳларойимдай ойим бебахт, моможон,
Айтинг, кимга бахт берган бу шеърий тахт, моможон.

Дунё бир ғалат шеванинг амрида дир: қайдаки бир дардманд бор, ул дардманднинг бошида яна минг бир дард бор. Кимдаким куймоққа мубталодир, чор гирдида оташкада бор, олов занжирлари бор. Аммо шеър оловли занжирдирки ўз «маҳбус»ини токи кул бўлмагунча озод қилмайди. У ловуллаб куяди, чирсиллаб, сирқираб куяди. Кўрасизки, бу куюк жоннинг олови вужуд қалъаларига туташади, уларни ер билан яксон айлаб, қалбга чирмашиб кетади. Қалбга чирмашган олов — нажоткор, руҳбахш, покдир.

Бу ўт менга ҳам сачраб ҳар хуш дамин ёндирди,
На ҳар хуш дам, ҳар битта хужайрамни ёндирди.
Ҳақ, шеър қолди, қолган бор ортиқ-камин ёндирди,
Қўллаанг, менам шу ўтни жонда туяй, моможон.
Қўллаанг, то рўзи маҳшар унда куяй, моможон.

Одам зоти кун етиб бир кун ҳаққа, ҳақиқатга восил бўлади, у ҳам одамлигини, бандалигини англаб етади, деб қон ютган шоирларнинг жамийки битикларини ўқиб чиқиш учун бу беқарор умр кифоят қилмас. Аммо, келинг ғордаги кутубхонага қирқ йил ғойиб бўлган донишманд иродаси бизга насиб қилмаган экан, ақалли бир шоирнинг кўнгил офоқига азм қилайлик. Зора биз ҳам одам фарзанди эканимизни англаб етсак, зора биз ҳам одам бўлсак.

Бутун вужуди билан покликни муҳофаза қилишга жазм этган аёл — шоирага бу қадар юк оғирлик қилмасмикан? Аёл аёлни маҳкум этганда, уни нопокликдан қайтармоқчи бўлганда тизза бўйи тупроққа чўкадими, ё буткул ерга кириб кетадими? Аёл — аёлни маҳкум этганда...

У бегуноҳ пок аёл бугун,
У эгилган мажнунтол бугун,
Кўзларида меҳр, бол бугун,
Кеча қандайди!
Ой йиғлаган, йиғлаганди ел,
Ўт-қон билан қоришганди эл,
Аммо унинг кўз ёшлари сел
Бўлган эмас бирор бир пайти...
Уч гўдагин устидан қулфлаб,
Давраларда очиб кўнгил, таъб,
Қора тунлар ичра бўлиб даф,
Танин пулларди...

Хиёнатнинг наслу нажодини ҳеч ким билмайди. Ватаннинг хиёнатчилардан сочи оқарди, халқнинг хиёнаткорлардан қадди букилди, у қулликка гирифтор қилинди. Аёл хиёнат қилса, дунё бузилади. Аёл хиёнат қилса, эрлар ажалсиз ўлади. Аёл хиёнат қилса, замон охир, ҳаёт абас бўлади. Кўринг, бир қисматда қиёмат нечук қоим бўлди:

Каттаси асрай деб жонини,
«Қовурмоч» деб мақтаб номини,
Хом-хатала макка донини
Едирарди кичкинтойларга.
«...Қозонда сут ётибди ачиб,
Сиркалабди синглисин сочи,
Кетмоқликнинг йўқми иложи
Онаси кетмас бир жойларга!!
Йўқ, илож йўқ...» қараса бир чоқ
Сингилчаси докадай оппоқ
Шишиб борар... Синглиси, бироқ,
Кетиб қолди, тонгда, жон бериб.
Қулф шиқири, ғимирлар овул...
Аёл кирар тағин очиб гул
Увоқ солган тўнғичини ул
Оғзин ёпди тишлам нон бериб...

Шоира биз барчамиз бошимизда туғдай тутган гуноҳу ёзиғлар аламини пастга тушириб, баъзан аччиқ, баъзан маъюс-таъналли ўгитлар билан инсофга чақирмоқчи бўлади. Ғўдайган ғururимиздан, бетизгин ҳавасларимиздан, бетакаллуф маромимиздан, алалхусус, шафқатсиз дилу дунёмиздан озор чекади. Биз унутган похол ғарамлару оғилли ҳовлилар, таппили деворлару қоп-қора мўрили томлар қаърида қолган азизларимиз — волидайи ва падарларимиз ҳақида бир сингилдек, бир жигардек, бир онаизордек изтироб чекади. Маҳсиковуш кийган Ватан тошу тупроқ кўчаларда улоқ боқади; бошида осмон — карахт, остида замин — карахт, тегра-атрофи —карахт. Кўзларида ўт, юрагида умид сўнган. Бу падар Ватан ўз оғалари — «босмачи»ларга қарши курашди, уларни қириб ташлади; бу падар Ватан ўз уруғ-аймоғини қулоқ қилди, ундан сўнг Олмон урушига борди, «ғолиб» бўлиб қайтди, вайроналарни тиклади... Бу падар бундоқ ўйлаб кўрса, умри бўйи қон тўкибди, умри бўйи тер тўкибди. Бундан ўзгаси унинг умри эмас, бундан бўлаги унинг қисматига дахлдор эмас. Унинг умри зинҳор базинҳор қон ва тер!.. Биз-чи?.. Биз нима қилдик?.. Биз — ўша «ғолиб» падарлар пушти камаридан бўлганлар!..

Тўхтанг, учмоқ эрки ҳамиша қўлда,
Эй, пойгада отдай терга ботганлар.
Синчковроқ тикилинг, кўринар йўлда
Маъюс Сиздан кетиб бораётганлар.
Турмуш юкларидан елкаси яғир
Бир-бир босиб ҳоргин ҳансираган чол
Букчайгандир сизни кўтариб, ахир,
Оёқлари толган сизга ташиб бол...
Бир бурда, мунқайган мана бу кампир
Жилмайиб турса ҳам хокисор, майин,
Яримдир, унинг ҳам кўнгли яримдир,
У ҳам кетиб борар Сиздан он сайин...

Кимни биз ташландиқ қилдик, у ҳам бизни ташлади кетди, кимни биз қолдиқ қилдик, улда бизни қолдирди кетди. Аммо Ватан, халқ қолдиқ бўлмайди. Аммо халқу Ватандан кечганлар оқпадарлардир.

«Охиратнинг аломатларин айтинг!...», — дебди бир йигит хирадманд зотга. «Охиратнинг аломатлари ҳисобсиздир, — дебди хирадманд, — меҳрсизликнинг ҳаддан ошиши, зулмнинг, макру риё, қабоҳат ва залолатнинг кучайиши...» Жавоб йигитни қониқтирмабди: «Булар барча замонларда бўлган. Мана Хожа Ҳофиз ҳам бундан неча юз йиллар бурун

Не ажаб, ой гирдини ғоят аён кўрмоқдаман,
Фитнадандурким уфқ саҳнини қон кўрмоқдаман.
Ҳар ўғил-қиз оталар бирла қилур жангу жадал,
Барча эшак бўйнида заррин нишон кўрмоқдаман...

деганлар, — дебди йигит. Хирадманд жавоб берибди: «Нажмиддин Кубродан сўрабдилар: «Ал-Мийсоқ қачон ўтмишдир?» Шайх Кубро жавоб берибдилар: «Унутдингизми, кеча...»

Йигитнинг эътирозида ҳақиқат бор. Зеро, асрлар оша жумла ғайриодамий хислатлар тараққий қилди, рушдкамол топди. Жамийки олий инсоний фазилатлар кароҳатга юз бурди, нест-нобуд бўлди. Биз бугун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган фалокатлар бўсағасида турганимизни яхши биламиз. Таассуфки, юрак ютиб сир тутамиз. Қўрқамиз.

Улар бир-бирдан кетаётган вақт,
Ҳамма нарса талаш ўрталарида.

4

Бугунги кунида йўқдир бугун бахт,
Эртанги бахт йўқдир эртапарида....

Ҳали-ҳануз ўзбек адабиётида уруш мавзуи шоира шеъриятидаги каби ҳаққоний ва теран ёритилган эмас. Уруш қай бир замонда, қай бир маконда бўлмасин мақтангулик воқеа эмас, инчунин, иккинчи дунёвий ҳарб ҳам. Бу жанг — хонумонсўз, халқкуш, хиёнаткор ва офатбоз эди. Бу уруш башарият тарихидаги энг юҳо ва одамхўр уруш эди. Пешонабоғига ялпизу райҳон қистириб, яктагини бар урганча далага чиққан йигитлар, фуқаролар жангининг қони энди сергиб-сергимай, оға-инилар гўрида сабза-ю ўланлар энди униб-унмай бошланган урушга кетишди. Улар ортда қолганларнинг юрак-бағрини қонга тўлдириб кетавердилар, кетавердилар, кетавердилар... Токи эркак зоти қолмагунга қадар, токи хотин-қизлар, болалару қизалоқлар очликдан шишмагунга қадар, токи сиёсатлар ва сиёсатчилар, давлатлар ва давлатмандлар, ҳокимиятлар ва ҳокимларнинг кўзи қонга тўймагунга қадар кетавердилар... Кетавердилар...

Шоиранинг уруш мавзуидаги шеърлари бу аёвсиз ҳодисани қуруқдан қуруқ қарғашдангина иборат эмас. Шоира бир аёл сифатида қарийб жамийки жувону келинчаклари тулга айланаёзган, қарийб барча сулувлари абадий жудоликка гирифтор бўлган бир муштипар, бир паррехта-ю паршикаста элнинг жигарбанди, ҳамшираи жони сифатида қайғу-алам чекади, аза очади, мотам тутади.

Сиз бу сатрларни овоз чиқариб ўқиманг, зеро, уларни бир ғамбода дил доду вовайло билан айтган:

Бу жанг асли сув билан оловнинг жанги бўлди,
Очилган жароҳатлар янгидан-янги бўлди,
Тунлар бевақт сарғайиб, ҳижроннинг ранги бўлди,
Белларин кўтаролмай йўллар беланги бўлди,
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар...
Қирқ йигитни қирқ асов той десам от бўлмади,
Қайтган турналар ичра қирқ қуш қанот бўлмади,
Улар қирқта шон бўлди, қирқта нисод бўлмади,
Қирчиллама бу ҳаёт аммо ҳаёт бўлмади,
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар...

Йигитлар қайтмас бўлиб кетдилар. Далалар бағри шудгор, шудгорлар бағрида бағри шудгор келинчаклар, умрини, чиройини, инон-ихтиёрини қаро меҳнатга тиккан бева-бечоралар қолди. «Ишланг!.. — дейишди ғалифе шим, гимнастёрка кийган саркорлар. — Ишланг!.. Эрларингиз фронтда очдан тиришмаслиги, итвачча Гитлер уларнинг гўштини емаслиги учун ишланг!. «Далаларга тўкилди, хоки туроб бўлди фирдавсга муносиб олиҳа маликалар, энг қашанг сулувлар, энг ҳароратли сиймолар, энг гўзал вужудлар. Улар ер билан яксон бўлди ва хор бўлди. Бу хўрликни бани башар ҳали тушида ҳам кўрмаган ва илло, кўрмасин!..

Ўзбек адабиётида бу хўр ҳаёт фақат бизнинг шоирамиз шеърларидагина ўзининг аёвсиз ҳақиқати билан тўла-тўкис намоён бўлди. Ўзбек кино санъати эса минглаб уйдирма «босмачилик»дан сўнг ягона «Армон» фильмида бу ҳақиқатга бирмунча ёвуқ келди.

Яна нидо чекманг, унсиз ўқинг, сассиз ўқинг, садосиз ўқинг бу шеърни:

Эски сандиқ, эски сандиқ, ёғочмисан, темирми,
Эски уйда макон тутдинг холигина бурчакни.
Нимадир у сенда туриб келинчакни емирди,
Нимадир ул кўнглин олиб гуллатди келинчакни...
Воҳ, биламан, унинг учун очилсанг — Сен ёрилтош,
Сарғайиб, титилиб кетган эртак чиқиб келади,
Йўқ, кўз очиб кўрганим деб, бир ёстиққа қўйган бош,
Уни қўлда кўтаргувчи эркак чиқиб келади...

Уруш тугади. Қарийб ҳамма нарса — борлиқ-олам, бу борлиқ-оламнинг тиргаги, пушт-паноҳи, суянчиғи бўлган эрлар ҳам тугаб битгандек. Бўмбўш далалар, даштлар, қишлоғу кентларга бўм-бўш садолар келди. Бўм-бўш уйлар... Бўм-бўш чимилдиқлар.. Бўм-бўш бешиклар... Бўм-бўш юрт... Энди дали-девона бўлиб, ҳайронаи жаҳон бўлиб Аёллар қолди:

Йигитлар ўлимга кетган йўллар бу,
Ортига қайтмаган из бор барида,
Шохлар чўзилганча қолган қўллар бу,
Дод солганча қолган йўл четларида...
Аёл, бу аёллар сокин ўлтирар,
Кўзлари минг бало, қазони кўргач,
Улар бўйдор ғамин қучиб ўтдилар,
Бўйдор эрларини ўлимга бергач,
Уларнинг кўзига тик қараб бўлмас...

Бизга Ғалабадан теккан насиба ана шу Аёлнинг кўзлари. Бизга Ғалабадан теккан мерос — ана шу Аёл...

Шоиранинг сўнгги шеърлар тўплами «Муқаддас аёл»ни варақлай-варақлай охири ўз мулоҳазаларим, тўғриси, ҳисларим тизгинини тутолмаслигимни фаҳм этдим. Мени чор атрофдан сарбаста фикрлар қуршаб олаётгандек туюларди. Мен шоиранинг сўнгги йиллардаги фаол публицистикаси хусусида гапираман деб ўйлагандим, қарасам ҳар бир сатр, ҳар бир банд зиёда туйғулар оқимини вужудга келтираётгандек, ўйларим чувалиб, руҳимда парокандалик рўй бераётгандек бўлди.

Ҳалима Худойбердиеванинг шеърлари бир қарашда енгил ўқиладигандек. Аммо зинҳор бундай эмас. Бу шеърлар лаззат, ҳаловат бахш этади деганлар, уни ҳордиқ чиқариш учун мутолаа қиладиганлар саҳв қиладилар. Бу шеърлар ғоят қаттиқ қийналган, сизга ҳам тинчлик бермайди. Билмадим, қуйидаги сатрларни битган шоирани сиз қандай тасаввур қиларкансиз:

Бир шеър керак, шундай шеър битта,
Ёзгач, тағин умр сўрамай,
Ўша шеърдан гурлаган ўтда
Ўла олай ортга қарамай!

Асқар МАҲКАМ.





БАЛИҚЧИДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ» БАЙРАМИ

НОҲИЯДА ЁШЛАРНИНГ ОММАВИЙ САЙЛИГА АЙЛАНИБ КЕТДИ

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» рўзномасининг бу галги байрами пахта йиғим-теримининг айни қизғин палласига тўғри келди. Бироз мулоҳаза қилдик. Ахир яқин йилларда ҳам пахта деса, ҳамма нарсадан воз кечадиган раҳбарлар озмиди? Кўпчиликни қўя туринг, уч-тўрт киши кўчада пайдо бўлиб қолса ҳам дарҳол этак тутқазиб далага чорлашарди. Балиқчи ноҳияси катта карвон. Унинг юки ҳам ўзгача. Пахта терими ҳақидаги маълумотларни кузатиб туриб кўнглимизга ёруғлик инади. Кунига 4-5 фоиздан. Ўтган йили пешқадам бўлган ноҳиянинг аважи ёмон эмас. Беихтиёр ноҳия комсомол қўмитасининг саркотибаси Матлубахон Ҳалилованинг сўзлари ёдимизга тушади: «Балиқчиликлар ишлашни ҳам, дам олишни ҳам билишади». Атрофни карнай-сурнай садолари тутган. Мусиқага сафардошимиз Соат Шарипов жўр бўлади. Ҳаммани кулдиради.

А. Тожибоев номли маданият ва истироҳат боғидаги баҳс эътиборингизни тортмай қўймайди. Қизлар бокиралик, гўзаллик, билимдонликда куч синашяпти. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган курашхона ёшлар билан гавжум. Йигитлар бел олишяпти. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари Спартакиадаси доирасида фарғонача усулда кураш бораяпти. Аслида балиқчиликларга бел олиб куч синашиш ота мерос. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларининг уч карра мутлоқ чемпиони Раим полвон Деҳқонов, икки марта чемпион Камол полвон Нуриддинов, елкаси ер кўрмаган Шаҳобиддин, Барот, Мутал, Эргаш ва Акром полвонларни ким билмайди, дейсиз.

Ноҳия маданият саройи майдони.

— Ширинликлар кўрик-баҳси бўлаяпти, — изоҳ беради Абдумуталиб Аҳмедов. — Рўзнома байрами шарафига савдо растаси ташкил этганмиз.

Ҳакамлар қаттиққўл чиқиб қолди. Аслида кўрикда иштирок этганларнинг барчаси ҳам ғолиб эди. Лекин 52 хил маҳсулот тайёрлаган Октябрь 50 йиллиги номли мактаб ўқувчиларига бош соврин беришди. 9-, 12-мактаб ўқувчилари маҳоратлари ҳам юқори баҳоланди. 6-, 10-мактаб моҳир қўллиларининг маҳсулоти эса энг сифатли, деб тан олинди.

Ноҳия комсомол қўмитаси ғолибларга эсдалик совға билан рўзномага бепул обуна ҳам тақдим қилдилар.

...Маданият саройида рўзнома муштарийлари жамулжам бўлишди. Учрашувда Балиқчи ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Б. Раҳмонов, «Ёш ленинчи» муҳаррири Ж. Раззоқов, «Ўзбекистон физкультурачиси» — «Физкультурник Узбекистана» рўзномалари муҳаррири С. Остонов, «Комсомольская правда» рўзномасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири М. Алимов, ноҳияда меҳмон бўлган «Труд» рўзномасининг ўз мухбири Гедиминас Кончюснинг иштироки даврага файз киритди.

— Жумҳурият комсомолининг истиқболи борми? Комсомол раҳбарларининг дадил фикр-мулоҳазаларини ўқимоқчимиз.

— «Ёш ленинчи»да ёшлар аҳлоқи, тарбиясига оид ибратли мақолалар кўпроқ берилса...

— Танқидий чиқишлар бўлаяпти-ю, унинг назорати-чи?

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўринбой Нуралиев, наманганлик хушовоз хонанда Рустам Мамадалиев ижросидаги ашулалар йиғилганлар кўнглини шод этди. Жумҳурият «Наво» ансамбли санъаткорлари Ҳасан-Ҳусан Жўраевларнинг чиқиши даврани янада жонлантириб юборди. Улар ижросидаги томошалардан муштарийлар мириқиб кулишди. Шу куни рўзнома ходимлари ҳам, йиғилганлар ҳам иқтидорли яна бир ёшни кашф этди, десак муболаға бўлмас. «Пахтакор» жамоа хўжалиги аъзоси ҳаваскор қиз Гулзора Раҳимова ўз санъати билан ҳаммани мафтун этди.

Ноҳияда «Умид» ижодкор ёшлар клубидаги учрашувга «умидчилар» 20 дан зиёд «Ёш ленинчи» деворий рўзномаси тақдим этишди.

Байрам арафасида ноҳиядаги 5-ҳунар техника билим юртида бўлган эдик. Ўқувчилар товуқчилик, ўрдакчилик каби кичик фермалар ташкил этишибди. Қолаверса, ўқув-тажриба хўжалигида пахта етиштириб, ноҳияда карвонбошилик қилишаётир. Ўғил-қизлар билан суҳбат чоғида улар рўзнома мухбирларини билим юртига таклиф этишган эдилар. Шундай қилиб, навбатдаги ташриф билим юртига бўлди.

Ўқувчилар ҳамма нарсага қизиқувчан: тиришқоқ бўлишади. Учрашувда рўзнома ижодий ходимларини турли саволларга кўмиб ташлашди. Ўқувчи ва ўқитувчилардан 300 нафари «Ёш ленинчи»га обуна бўлганларини билдирдилар.

Ноҳия комсомол қўмитаси қошида ташкил этилган «Табассум» аскиячилар гуруҳининг довруғи жумҳуриятга ёйилган. Билим юртида «Табассум» аскиячилари пайров қилишганда, йиғилганлар ҳумордан чиқиб кулишди. Сирожиддин Маннопов, Ҳусниддин Мирфайзиев, Рустамжон Ҳайитов, Машраб Бозоров, Алишер Ҳаққулов каби сўз усталари юракларга шодлик олиб кирди.

Балиқчи вилоятдаги энг аҳолиси зич ноҳиялардан ҳисобланади. 100 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи ноҳияда «Ёш ленинчи» ходимлари билан учрашувга талаб катта бўлди. Шу боис куннинг иккинчи ярмида мулоқот учун ноҳия марказидан чиқиб Чинобод томон йўлга отландик.

Чинобод ўйингоҳи ёшу-қари, йигит-қизлар билан гавжум. Ичкарида бўш ўрин қолмаган бўлса-да, ихлосмандларнинг охири кўринмайди. Ҳамма учрашувга шошяпти. Ниҳоят, мулоқотдан сўнг суюкли хонандалар Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар Охунжон Мадалиев, Муҳритдин Ҳолиқовлар ижросида концерт бошланди. Улар даврага чиққанда ўйингоҳ қарсаклар зарбидан ларзага келди. Дилларга завқ бағишлаб қўшиқ бошлашди. Дардли, айни чоғда юрагингизнинг туб-тубида яширинган пардаларни чертиб ўтадиган қўшиқлардан борлиқни унутасиз. Қўшиқ сеҳрига берилиб хаёл дарёсига чўмасиз. Дилингизда англаб бўлмас туғёнлар жунбушга келади.

Санъаткорлар қўшиқ куйлаганда ҳамма яйради. Кенг майдон саҳнага айланди. Байрам-байрам-да, ҳамма яйрагани келган. Концертдан сўнг «Ижодкор» ва «Чинободчи» командалари ўртасида футбол бошланди. Муросасиз ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилган бўлсада томошабинлар ҳаяжонларини босиша олмадилар. Ахир кучли командалар учрашувини шунчаки томоша қилиб бўлмайдида!

Оқшом чоғи ўйингоҳга эл ҳурматини қозонган хонанда Ҳалимжон Жўраев, сўз устаси Машрабжон Назаров ташриф буюрдилар. Узоқ давом этган концерт-футбол спектакли одамларни чарчатиб қўйди, деб ўйлагандик. Адашган эканмиз.

Вақт алламаҳал бўлди. Ёшларнинг ўйингоҳни тарк этгилари йўқ. Рақс, қўшиқ эса тобора авжига чиқарди.

— Рўзномангизнинг бундай учрашувлари меҳнаткашларга нафақат кўтаринки руҳ бағишлайди, балки турли миллатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик муносабатларини яхшилашга ҳам хизмат қилади, — деди ноҳия ижроия қўмитасининг раиси Олимжон ака Ҳожиев.

— Тўғрисини айтсам, — сўзлади ноҳия фирқа қўмитасининг котиби Саодат Расулова. — «Ёш ленинчи» муштарийлари сафига яна минглаб ёшлар қўшилди. Ахир дилдан сўзлашиш, ўзгалар ташвишига ошно бўлиш, бу юракларни забт этиш дегани.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: байрам лавҳаларидан ҳаяжонли лаҳзалар.


Суратчилар: Аъзамжон МИРЗАЖОН, Муҳаммад АМИН, Жўра БОБОРАҲМАТ.











МИННАТДОРЧИЛИК

«Ёш ленинчи» таҳририяти Балиқчи ноҳиясида рўзномалар байрамини кўтаринки кайфиятда ўтказишда яқиндан ёрдам кўрсатганлиги учун Андижон вилояти комсомол қўмитасига, Балиқчи ноҳия фирқа ва комсомол қўмиталарига, халқ депутатлари ноҳия ижроқўмига, касаба уюшмалари ноҳия физкультура ва спорт кўнгилли жамиятига, маданият бўлимига ўз миннатдорчилигини билдиради.



ФҲУ ҚАНДАЙ ТАШКИЛОТ?



Стадион тўла одам. 40 даражадан ошиқ иссиқнинг таъсирини гўё сезмайсан. Севимли командамизнинг дарвозаси олдида кутилмаган ҳолат. Рақиб команданинг ҳужумчиси чаққонлик билан кетма-кет учта ҳимоячига чап бериб жарима майдонига кириб олади-ю, гурс этиб яшил майсага йиқилганини ўзи ҳам сезмай қолади. Учрашув ҳакамн сўзсиз 11 метрдан жарима тўпини тепишни кўрсатади. Стадионда қий-чув. Бирови ҳакамни боплаб койиса, бирови тезда унинг майдонни бўшатиб кўйишини талаб қилади...

Мухлисга осон, ҳакамгачи?

Уни ҳимоя қиладиган, ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда қўшқанот бўладиган ким бор?

Куни-кеча жумҳурият физкультура ва спорт давлат қўмитасида ФҲУ (футбол ҳакамлари уюшмаси)нинг сайёр йиғилиши бўлди. ФҲУ 1989 йил 28 декабрда ташкил қилинган бўлиб, Бутуниттифоқ ва жумҳурият тоифасидаги барча ҳакамлар унинг аъзолари ҳисобланишади. У Футбол Федерацияси билан ҳамкорликда иш кўради. Уюшманинг молиявий маблағи ҳозирча бор-йўғи 15 минг сўм.



Хўш, бу уюшманинг тузилиши футбол оламида нимани ўзгартиради? — деб сўрашингиз табиий. Бутуниттифоқ мусобақаларини олиб борувчи ҳар бир ҳакам унинг аъзоси бўлиши шарт. У ўз аъзоларини кийим-кечак, ўйин давомида зарур бўлган барча керакли нарсалар билан таъминлайди. Шунингдек, ҳакамни моддий томондан ҳам рағбатлантиради. Саломатлиги назорат қилинади. Ҳар бир команда билан шартнома асосида иш олиб борилади. Агар у бирор ўйинда қўпол хатоликларга йўл қўйса уюшма командага жарима тўлайди.



Биз ушбу янги уюшманинг раиси **ЭДУАРД ИСАЕВИЧ ШКЛОВСКИЙ** билан суҳбатлашдик.

— Чет эллик ҳакамлардан биз ҳозир қайси жиҳатларда орқада қолаяпмиз?

— Биз жуда камбағалмиз. Ҳатто кийимларимиз ҳам ҳар хил. Хорижлик ҳакамларнинг олдида сумкамизни очишга уяламиз. Сабабини юқорида айтдим. Италияда 96 та студия бўлиб ҳакамлар ҳар бир ўйин билан танишиб чиқиш имкониятига эга. Ҳатто, грециялик ҳамкасбларимиз ҳам ўта замонавий техника воситалари билан қуролланишган. Яқинда польшалик ҳакамлар аҳволимиздан хабар топишиб видеомагнитафон, видеотелевизор ва бошқа керакли жиҳозларни бизга юборишни лозим кўришди. Афсуски, биз шунча жиҳозни қабул қилиб олиш имкониятига эга эмасмиз. Бисотимизда Футбол Федерациясидан ундирган битта столдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Лекин сиз бу билан ҳакамлар иши Иттифоқимизда жуда ҳам суст экан деган хаёлга борманг. Италияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги ўйинларига 36 нафар ҳакам бошчилик қилди. Хорижий рўзномаларнинг ёзишича, 19 та ҳакам қизил карточка олган. Шулар ичида фарангистонлик машҳур ҳакам Мишель Вотро ҳам бор. Айтишим мумкинки, ҳакамларимиз хорижликлардан ўз ишларини анча яхши билиши билан устун турадилар.

— Мамлакатимизда ҳакамлар тайёрлайдиган ёки малакасини ошириш учун хизмат қиладиган бирор бир ўқув даргоҳи борми?

— Аввало шуни айтиб ўтишим керакки, биздаги ҳакамларнинг ҳаммаси собиқ футболчилар, спорт усталаридир. Озми-кўпми ўз ишларини биладилар. Киевда ҳакамларнинг пуллик семинарини ташкил этмоқчимиз. Тошкентга келишимиздан мақсад ҳам шу. Келгусида Ўрта Осиё ва Қозоғистонга малакали ҳакамлар керак. Тошкент ана шу хайрли ишнинг маркази бўлади.

— IV жаҳон ҳакамларининг ўйинида мамлакатимиз терма командаси иштирок этадими?

— Олмонияда бўладиган футбол ҳакамларининг беллашувига тайёргарлигимиз ёмон эмас. Ўйлаймизки, мухлислар ишончи оқланади.

Мирза АБДУЛЛА
суҳбатлашди.

ТВ

4 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Тарихий обидаларимиз — бебаҳо бойлигимиз». Кинопрограмма. 12.30 «Бурилиш». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 Янгиликлар. 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Владикавказ). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Алифбо сабоқлари». 20.20 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Хотира». Собир Абдулла. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 23.00 «Театр ва замон». 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Замон талаби билан» (рус тилида). 19.30 «Агар мўъжиза юз берса...» София Сафтарова куйлайди. 20.05 «Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бевосита телевизион суҳбат». Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари. 22.50 «Барномаи мусиқий». Навои Хатлон. 23.00 В. Бушин. «Туҳфа». Теленовелла.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Қарға ва Тулки, Какку ва Хўроз». Мультфильм. 9.10 «Катта танаффус». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм, 4-серия. 10.15 Футбол. Европа чемпионлари кубоги, 1/16 финал. «Спартак» (Москва) — «Спарта» (Прага). 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 Коллаж. 13.00 «Вақт». 13.40 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/16 финал. «Динамо» (Киев) — «Куопион паллосеура» (Финляндия).

* * *

16.15 Болалар учун фильм. «Хазиналар ороли». 2-серия. 17.20 «Осмону фалакдаги қироллик». Лесото тарихи ва маданияти ҳақида телевизион очерк. 17.45 «Икки севишган қалб». М. ва И. Цветаевлар ижоди ҳақида юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 18.30 Долзарб камера. «Тақчиллик мавсуми». Уй-жойларда иссиқликни сақлаб қолиш йўллари ҳақида. 19.00 «Вақт». 19.30 «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 19.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.25 «Катта танаффус». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм, 4-серия. 21.30 «Вақт». 22.10 «Эфирда мусиқа». Кўрсатувни С. Бэлза олиб боради. 1 ва 2-қисмлар. 00.10 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 «Мусаввир С. Эрьзя ҳаётидан». Телевизион ҳужжатли фильм. (Куйбишев). 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 4-синф. У ерда, уфқ ортида. 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Адабиёт. 10-синф. А. Н. Островский ва театр. 12.05 «Мен ўз қанотларим билан парвоз этаман». Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Ака-ука Риколар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 14.10 Ритмик гимнастика. 14.40 «Қалмиқ АССР Давлат «Лола» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 15.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Шахсий бахт». 4-серия. 17.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Умр бўйи омадим келаяпти...». 2-кўрсатув. 17.50 «Тақиқланган шаҳар». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. «Хитой маданияти» туркумидан. 7-серия — «Императорлар саройидаги ҳаёт». 8-серия — «Саройдаги исёнлар». 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 Ритмик гимнастика. 20.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Хавфли касб». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Мерос» (Пятигорск). 21.30 Теннис. Халқаро турнир. «Крафт женерал фудс». Хотин-қизлар. 22.15 СССР Олий Совети сессиясида. 22.45 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 23.45 «Ака-ука Риколар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 23586.